

# ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 33 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН!

O'zingni angla!



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil  
28-avgust  
chorshanba  
№ 35 (1410)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ gazhurriyat@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

Шу кунларда турли халқлар вакиллари ва маданиятлар учрашган манзил – Самарқандда қўшалок байрам шукухи кезмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрами ва “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалига кўрилган пухта тайёргарлик қадим ва ҳамisha навқирон шаҳарга ўзгача файз ва чирой бахш этган.

Сўлим боғ ва хиёбонлар, нурафшон кўчалар таровати, турфа гуллар ифори ҳар қандай кишига янада кўтаринкилик бағишлайди. Жаҳоннинг турли минтақаларидан келган турфа одамлар чەқрасидаги мамнунлик, ўзаро самимий муносабат Самарқандда катта байрам бошланаётганидан дарак беради.

Қадим ва навқирон Самарқандда 26 август куни “Шарқ тароналари” XIII халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



## РЕГИСТОНДА ЯНГРАГАН “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ”

Санъат – одамларнинг орзу-ҳаваси, қувонч шодлиги, армон ва изтироблари, ички кечинмаларини ифода этадиган восита. Мусиқа халқларни, турли миллат ва элатларни бир-бирига танитади, қалбни яқинлаштиради.

Бугун Самарқандга келган киши ана шундай байрамона, дўстона муҳитнинг гувоҳи бўлмоқда.

Самарқанднинг Регистон майдонидаги Шердор, Тиллақори, Мирзо Улуғбек мадрасалари гулгун шафақ ёғдусида янада

гўзал ва салобатли кўринади. Бетакорор амфитеатр ҳосил қилган бу муҳташам обидалар анжуманга ўзгача руҳ, улғуворлик бағишлаган. Майдон “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими йиғилган томошабинлар билан гавжум. Улар орасида анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат ихлосмандлари, мусикашунос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар бор.

Фестиваль иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан қутиб олди.

Давлатимиз раҳбари “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, мазкур фестивалнинг мазмун-моҳияти, жаҳонда тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашдаги аҳамиятига тўхталди.

– Ун учинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман гарчи “Шарқ тароналари” деб аталса-да, бугунги кунда у моҳият-эйти-

борига кўра, “Жаҳон тароналари” фестивалига айланганига барчамиз гувоҳимиз. Бу ҳақиқати биринчи фестивалда 31 та мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йил барча қитъалардаги 80 га яқин давлатдан 400 нафардан зиёд санъаткор ва олимлар иштирок этаётгани ҳам тасдиқлайди, – деди Давлатимиз раҳбари.

8-6

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЭЗГУ ДАЪВАТИ

...Дунёдаги жамики халқлар қатори ўзбек эли ҳам тинчлик ва осойишталикни юксак қадрлайдиган, оққўнғил ва бағрикенг халқдир. Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг туб моҳиятини ҳам турли давлатлар билан тинчлик ва ҳамкорлик, дўстона муносабатларни ривожлантириш тамойили ташкил этади.

Шу маънода, юртимизда “Шарқ тароналари” анжумани билан бирга, халқаро мақом санъати, бахшичилик санъати, ҳунармандчилик фестиваллари, фольклор ва рақс санъати бўйича “Буюк ипак йўли”, “Лазги” халқаро фестиваллари, Тошкент халқаро кинофестивали сингари йирик маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Улар, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг жаҳон аҳлини тинчлик-тотувликка, қардошлик ва аҳилликка чақирадиган эзгу даъватидир.

Бундай чорлов ҳозирги вақтда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунки бугун кўз ўнгимизда дунёнинг бутунлай янги, беқарор, хавотирли геосиёсий ва геоиқтисодий архитектураси шаклланимоқда. Турли мамлакатлар ўртасида низо ва адоватлар, қарама-қаршилик, ишонсизлик муҳити кучаймоқда. Жамиятлар ичида маънавий таназул илдиз отмоқда. Нотинч ва таҳликали замонда азалий қадриятларни, одамийлик қиёфасини сақлаб қолиш тобора мушкул бўлиб бормоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятда илоҳий сарчашмалардан қувват олиб, вақт ва макон чегаралари оша гуманистик идеалларни тараннум этадиган асл санъат, мусиқа ва адабиёт халоскор куч бўлиб майдонга чиқиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Шарқ тароналари” ўн учинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимидаги нутқидан.



## РАҒБАТ

# МУНОСИБЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

“Энг улуг, энг азиз” аънавий кўрик-танлови республика босқичи ғолиблари тақдирланди

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрами муносабати билан ўтказилган

“Энг улуг, энг азиз” аънавий кўрик-танлови республика босқичи ғолиблари

“Босма ОАВ ходимларининг энг яхши журналистик ишлари” номинацияси бўйича:

1-ўрин

**Бозоров Фахриддин** – “Халқ сўзи” газетаси муҳбири.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иш-лохотлар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар ҳақида эълон қилган долзарб публицистик мақолалари учун;

2-ўрин

**Абдусаматова Муқаддас** – эркин ижодкор. Ватанпарварлик, миллий қадриятларни улғулаш, мамлакатимизда нуроний ва кексаларни эъзозлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар хусусида республикамизнинг марказий нашрларида эълон қилган туркум мақолалари учун;

2-ўрин

**Асилбеков Ислон** – “Hurriyat” мустақил газетаси муҳбири. Экологик муаммолар ва ёшлар маънавиятини юксалтиришга доир танқидий-таҳлилий мақолалари учун;

3-ўрин

**Қосимов Холбой** – “Қадрият” газетасининг Самарқанд вилояти бўйича муҳбири. “Булунгурим – гурурим”, “Кўчалардаги қора доғлар”, “Машҳур адибни эслаб” сингари очерк ва эсселари учун.

4-6

“Телевидение ва радио ижодкорларининг энг яхши материаллари” номинацияси бўйича:

1-ўрин

**Атаджанова Гулнора** – Ўзбекистон Миллий телерадиоканалияси “Toshkent viloyati teleradiokanali” давлат муассасаси — “Нурафшон ТВ” муҳбири.

Янги Ўзбекистонда рўйбега чиқарилаётган бунёдкорлик ишлари, она юртимизда бўй кўрсатаётган янгилашлар ёритилган қатор телерепортажлари учун;

2-ўрин

**Махаммадсаидова Ҳалима** – “O'zbekiston” радиоканали “Маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти бўлим мудир.

Қатагон қурбонлари – Муфтий Садриддинхон Шарифхўжаев, Мирқомил Миршарофов, Марям Султонмуродова, Хайринисо Мажидхорова, Бобоохун Салимов сингари миллатимиз фидойилари ҳақида тайёрлаган радиопилмаплари учун;

3-ўрин

**Хушназарова Аиша** – “Менинг юртим” телеканали “Худуд” информацион дастури муҳбири. Ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга оид мавзулардаги туркум таҳлилий телерепортажлари учун.

Шу кунларда юртимиз бўйлаб улғу айём — Мустақиллик байрами шукухи кезмоқда. Мазкур қутлуг сана муносабати билан мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида турли маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, фестивал ва кўрик-танловлар ўтказилди.

Истиқлол шодиёнаси арафасида журналистлар, ёзувчи ва шоирлар, тасвирий санъат усталари ҳамда киноижодкорлар ўртасида ўтказиб келинадиган “Энг улуг, энг азиз” кўрик-танлови ҳам аънавий тадбирлардан бирига айланган. Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрамга бағишлаб ўтказилган “Энг улуг, энг азиз” аънавий кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда энг муносиб ижодкорлар тақдирланди.

Куни кеча Ёшлар ишлари агентлигининг анжуманлар залида ўтказилган тантанали тадбирда журналистлар, шоир ва ёзувчилар, санъат ва маданият намояндлари, киноижодкорлар ҳамда кенг жамоатчилик ва-



киллари иштирок этди.

Тантанали тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи, “Энг улуг, энг азиз” аънавий республика кўрик-танлови ташкилий

қўмитаси раиси Холмурод Салимов мазкур танлов натижалари бўйича қисқача маълумот берди.

2-6

## ШУНДАЙ ДЕДИ



Ахтам ХАЙИТОВ,

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:

Танқид ўринли бўлса, ҳеч қачон ранжиманман. Баъзида хурсанд ҳам бўламан. Халқимизда “Ишлаган одам хато қилади”, деган жуда пурмаъно гап бор. Шундай экан, камтарона меҳнатимиз, яхшими-ёмонми, кимнингдир эътиборини тортаётган экан, бундан фақат ва фақат қувониш керак.

Манба: kun.uz

## ЭЪТИРОФ



## БОКУ ВА ТОШКЕНТ ЎРТАСИДА АЛЛАҚАЧОН МУСТАҲКАМ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛГАН

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг 22 август куни Ўзбекистонга бошланган ташрифи арафасида ушбу мамлакатнинг етакчи "Trend" халқаро ахборот агентлиги "Озарбайжон ва Ўзбекистон икки томонлама алоқалари мустаҳкамламоқда — янги иқтисодий имкониятлар" сарлаҳали мақолани эълон қилди.

"Сўнгги йилларда Озарбайжон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар нафақат дўстона ва яхши қўшничилик, балки чинакам стратегик муносабатларга айланди, — деб таъкидланган нашрда. — Глобал ўзгаришлар Озарбайжон ва унинг Каспий денгизи орқали ўтган қўшниларининг турли соҳаларда ҳамкорликда фаоллашишига олиб келди. Бу шунчаки сўз билан айтганда, стратегик шериклик эмас — бу қитъа аҳамиятига эга реал иқтисодий лойиҳалар билан қўллаб-қувватланади".

Мақола муаллифи Ўзбекистонни бунга энг яхши мисол сифатида қайд этган. Расмий Боку ва Тошкент ўртасида аллақачон мустаҳкам стратегик шериклик мавжуд, икки томонлама ҳамкорлигининг ҳар бир жиҳати уларнинг муносабатлари доирасида муҳим аҳамиятга эга. Икки давлат ўртасидаги мунтазам олий даражадаги учрашувлар ўзаро алоқалар чуқурлигини таъкидлайди.

Нашрда, шунингдек, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги яқин иқтисодий ҳамкорлигининг асосий жиҳатларига алоҳида урғу берилган. Қайд этилишича, 2023 йилда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида 500 миллион долларлик инвестиция жамғармасини ташкил этиш бўйича икки томонлама битим имзоланган эди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бокуга сўнгги ташрифи чоғида ҳар икки томон жамғарма капитални оширишга келишиб олган эди.

"Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов жорий йилда икки давлат қўшма онлайн тижорат платформасини яратишни режалаштираётганини маълум қилди. Ушбу платформа ҳар икки давлат бизнесига савдо операцияларини осонлаштириш ва қўшма инвестиция ло-

ташкил этиш тўғрисидаги шартнома имзолангани маълум қилинган.

Материалда икки мамлакатнинг етакчи энергетика корпорациялари — SOCAR ва "Ўзбекнефтегаз" ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш учун фаол иш олиб бораётгани ҳақида ҳам қайд қилинган. 2023 йилда улар газ савдосига ихтисослашган қўшма корхонани муваффақиятли ташкил этишди. Шунингдек, "Ўзбекнефтегаз"нинг Озарбайжонда газ қазиви олиш лойиҳаларида иштирок этиши бўйича музокаралар яқини босқичда.

"Албатта, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик аънавий энергетика ресурсларидан ҳам олиб кетади. Муқобил энергияга ўтиш муҳимлигини англаган ҳолда, Боку ва Тошкент ўз энергия тизимларига "яшил" технологияларни интеграциялаш бўйича фаол ишламоқда, — дея давом этади муаллиф. — Озарбайжон, Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасида "яшил" энергияни узатиш бўйича уч томонлама келишув яқинда эришилган энг муҳим ютуқлардан биридир".

Асосий транспорт йўналишларида жойлашган Озарбайжон ва Ўзбекистон бу борада фаол ҳамкорлик қилмоқда, деб таъкидлаган халқаро агентлик.



йиҳаларини бошлаш имконини беради. Ушбу онлайн платформани ишга тушириш орқали Озарбайжон ва Ўзбекистон тадбиркорларга муносиб шериклар топиш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратиш учун қимматли воситани тақдим этишни мақсад қилган", — деб таъкидлаган ахборот агентлиги.

Бундан ташқари, мақолада июль ойида Озарбайжон-Ўзбекистон ҳукуматлари оралиқ комиссиясининг 13-йиғилишида озар-ўзбек ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича яқини баённома, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил август ойида Бокуга қилган ташрифи чоғида "Озарбайжон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Олий давлатлараро кенгаши

Мақола якунида "Озарбайжон ва унинг яқин ҳамкори Ўзбекистон ўртасидаги жорий ва келгуси қўшма ташаббуслар янги транспорт лойиҳаларини амалга ошириш, энергетика лойиҳаларини ривожлантириш ва умуман, инфратузилмани яхшилашга қаратилган. Ушбу сайёҳаракатлар минтақани барча манфаатдор томонларга фойда келтирадиган ўзаро ҳамкорлик марказига айлантиришга қаратилган. Шунингдек, ушбу лойиҳалар ҳудудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва истиқболли дастурларни яратиш учун янги имкониятлар очади", — деб ёзади "Trend".

"Дунё" АА,  
Боку шаҳри

# МУНОСИБЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

"Энг улуг, энг азиз" аънавий кўрик-танлови республика босқичи ғолиблари тақдирланди

1-6

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур кўрик-танлов Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бош ташкилотчилигида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси, Бадий академия, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Нуфузли танловда ижодий ишлар "Босма ОАВ ходимларининг энг яхши журналистик ишлари", "Телевидение ва радио ижодкорларининг энг яхши материаллари", "Интернет журналистикаси", "Публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун", "Ёзувчи ва шоирларнинг энг яхши бадий асарлари", "Тасвирий санъат, фото ва дизайн ишлари", "Кино санъати асарлари" номли 7 та номинация бўйича қабул қилинган эди.

Жами 300 нафардан ортиқ ижодкордан, яъни журналистлар, ёзувчи-шоирлар, кино санъати, тас-

вирий санъат усталари, фото ва дизайн ишлари бўйича мутахассислардан 2100 дан ортиқ ижодий ишлар келиб тушган, "Интернет журналистикаси" номинацияси бўйича топширилган материаллар салмоғи барча йўналишлардан-да кўпроқни ташкил этгани таъкидлаб ўтилди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ана шу ижодий ишларни мавзунинг долзарблиги, тахлилий ёндашув, асарнинг бадийлиги, мустақиллик ғоясининг ифодаси, тақинининг ўзига хослиги каби мезонлар асосида беш баллик тизим бўйича баҳолади. Ҳакамлар ҳайъати маълум қилишича, ғолибларни аниқлашда танқидий-тахлилий руҳдаги материалларга жиддий эътибор қаратилган.

Айтиш кераки, танловга тақдим этилган материалларда Мустақиллик берган имкониятлар, истиқлол ва ҳурлик саодати ва албатта, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самараси изчил ёритилганини кўриш мумкин. Шу билан бирга жамиятимизда учраб турадиган айрим муаммолар ҳам қайд

этилиб, уларнинг сабаблари чуқур таҳлил асосида кенг очиб берилганини ибратли ҳолат дейиш мумкин.

Тантанали тақдирлаш маросимида еттита номинация бўйича 1-уринни эгаллаган ғолибларнинг ҳар бири 10 000 000 сўм пул мукофоти ҳамда диплом-плакетка, 2-уринга муносиб кўрилган иштирокчиларнинг ҳар бири 8 000 000 сўм пул мукофоти ва диплом-плакетка, 3-уринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири 6 000 000 сўм пул мукофоти ҳамда диплом-плакетка билан тақдирландилар. "Босма ОАВ ходимларининг энг яхши журналистик ишлари" ҳамда "Интернет журналистикаси" йўналишлари бўйича 2-урин соҳиблигига эса икки нафардан номзод ғолибликка лойиқ топилди ва мукофот миқдори улар ўртасида тенг тақсимланганидан бўлди.

Тадбирда таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият улашди.

Ўз мухбиримиз.

## ДИЛ СЎЗЛАРИ

# Ҳалоллик вақинаси — энг катта куч

Улуг адибимиз Саид Аҳмаднинг машҳур "Келинлар кўзголини" спектакли ўз даврида шундай шухрат қозongan эдики, томошбин уни қайта-қайта кўриб, янги-янги қирраларини кашф қиларди. Ана шу асарда бир сахна бор: ўғли қамалган аёл Фармонбидиннинг мелиса ўғлидан нажот сўраб онахонга мурожаат қилади. "Бошланишидан 5 минг рубль (ўша пайт жуда катта пул), ўғлим қамодан чиққанидан сўнг 10 минг сўм пул берман", дейди. Фармонбиди ўғилларини чақириб, бу гапни айтганида, уларнинг ҳаммаси бир овоздан: "Ойжон, нима буюрсангиз қиламиз, лекин бу ишни қилмаймиз", дейишади.

Кўринишидан зиқна, ёғ тушса ялайдиган Фармонбиди, аслида, жуда ҳалол ва фарзандларини ҳам ҳалол лўқма ейишга ўргатган аёлдир. Коррупцияга қарши курашиш мавзусидаги "Фармонбидиннинг ҳалоллик вақинаси" номли мақолам "Халқ сўзи" газетасида чоп этилди ва кенг жамоатчилик эътиборини тортди. Бугунги она-

ларнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳақида кўплаб фикрлар, мулоҳазалар билдирилди. Мазкур мақола менга Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган "Энг улуг, энг азиз" республика танловидида "Босма ОАВ ходимларининг энг яхши журналистик ишлари" номинациясида 1-урин ғолиблигини ҳам ҳаёда этди.

Мавзу зўр, халқчил ва одамлар дилидаги дард ҳақида ёзилган бўлса, у эътироф этилишини мазкур танловда иштирок этиб англаб етдим. Танлов ҳақиқий маънода журналистни излашга ундовчи куч эканини фақат мен эмас, бу йилги "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танловидида иштирок этган бошқа ғолиб ва совриндорлар фикрларидан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Фахриддин БОЗОРОВ,  
"Халқ сўзи" газетаси бўлим бошлиғи,  
"Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танловининг Босма ОАВ йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳибига.



## Изланиш ва рағбат

Давлатимиз раҳбарининг "Мен журналистларни қўллаб-қувватлайман, уларнинг ортида мен турибман", деган сўзлари биз учун мустаҳкам ишонч, рағбат вазифасини ўтайди. Бизни янада руҳлантириб, очкичлик, ошкораликни таъминлашимиз, воқелиқларга холисона ёндашувимизда далда бўляпти, десак хато бўлмас.

Ижодий танловлар ҳақида гап кетганда эса доим миллий журналистика соҳасида ўзига хос мактаб яратган устоз ижодкорларнинг фаолияти кўз ўнгимизда гавдаланади. Журналистика уларнинг ҳаёт тарзи, умр мазмунига айланган кетган. Биз эса уларга муносиб бўлишимиз даркор.

Энг муҳими, бугунгидек нуфузли ижодий танловлар миллий медиа соҳасини сифат жиҳатдан янада юқори босқичга олиб чиқиш мақсадида ташкил этилаётгани қувонарли. Ўз навбатида яна улар биз-журналистларни, ижодкорларни кўпроқ изланишга, ўз устимизда тинимсиз ишлашга ундайди.

Назозат УСМОНОВА,  
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бўлим мудири,  
"Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танловининг Интернет журналистикаси йўналиши бўйича иккинчи ўрин соҳибига.

## Ғолиблар сафида...

"Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанимиз" шиори остида ташкиллаштирилган мазкур танловда ғолиблар сафида бўлишимни, очиги, ўйламаганимиз. Бунга ҳатто умид ҳам қилмаганим. Чунки шундай нуфузли танловларда эътироф этилишим жуда қийин, биз каби ёш журналистларнинг танлов ғолиби бўлишига ҳали кўп қовун пишиғи бўлса керак деб юргандим. Ҳаяжонданман. Раҳмат. Бу чиндан ҳам мен учун байрам арафасида қутилмаган туҳфа бўлди.

"Нурафшон" телеканали ташкил топганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, шуни ишонч билан айта оламани, салмоқли туркум курсатувлари мавжуд. Томошабинлар эътиборига тушаётгани ана шундан.

Шахсан мен "Телевидение ва радио ижодкорларининг энг яхши материаллари" номинацияси бўйича айнан ўзимнинг муаллифлигимда тайёрланган бир нечта курсатувларни ушбу танловга тақдим этгандим. Уларда замонамиз қахрамонлари бўлган турли касб эгалари, қишлоқнинг меҳнаткаш танти инсонлари ҳақида ҳамда жаҳид боболаримиз ва бошқа бир қанча мавзулардаги курсатувлар тайёрлаб, то-

мошабинлар эътиборига тақдим этиб келмоқдамиз. Юқорида айтганимдек, қутилмаганда 1-урин олганимни эълон қилишди ва танлов ҳайъатининг бу холислигига тан бердим.

Халқимиз эътиборига тақдим этмоқчи бўлган энг сара курсатувларимиз ҳали олдинда деб биламан. Янги Ўзбекистонда ОАВ ходимларига яратиб берилаётган имкониятлар ижод аҳлини янада жўшқин меҳнат қилишга, изланишга ундайди. "Энг улуг, энг азиз" сингари кўрик-танловлар катта аҳамиятга эга, албатта.

Хуллас, камтарона ижодий ишларим шундай юқори баҳоланганидан мамнунман. Бу эътироф — мен учун ҳали олдиндан берилган бўнак, рағбат эканлигини, ҳали яна кўпроқ ўқиб, изланишим жоизлигини ҳам яхши биламан.

Гулнора АТАДЖАНОВА,  
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси  
"Нурафшон ТВ" телеканали муҳбири,  
"Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танловининг  
Телевидение йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳибига.



## Масъулият бор



Сўз ва фикр эркинлиги бугун ўз кучини курсатмоқда. Давлатимиз раҳбари доим сўз қадрини юксак тутувчи биз — журналистларни қўллаб-қувватлайди. Бундай юксак ишонч журналистга фақат ва фақат қанот беради. Демак, елкамизда масъулият бор. Шу катта вазифани, катта масъулиятни ҳамиша ҳис қилишимиз шарт.

Биласизми, ҳар бир ижодкор ўз фаолиятини таҳлил этади, холислик, ҳаққонийлик тарозисига солиб кўради. Шу маънода "Энг улуг, энг азиз" аънавий танлови оммавий ахборот соҳаси ходимларини ўз ижодида яна бир қарра теран назар ташлаш, сарҳисоб этиш, изланишдан, олға интилишдан чарчамасликка даъват этаётгани билан аҳамиятлидир.

Танловда экология ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ўзбек тилининг нуфузини ошириш, ёшлар маънавияти ва тарбиясини юксалтиришда миллий қадриятларимизнинг ўрни ҳамда ижтимоий мавзудаги танқидий-тахлилий мақолаларим билан иштирок этдим. Ижодкор учун ютуқнинг катта-кичиги бўлмайди. Бугунги ғолиблик эса менга ижодий изланишимда

янада куч беради. Қолаверса, соҳага қаратилган катта эътибор мамлакатимиздаги ижодкор зиёлиларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда зарур шароит ва имконият яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Энг улуг, энг азиз" республика танлови ҳам ана шу мақсад ва вазифаларга хизмат қилаётгани билан гоёат аҳамиятли деб ўйлайман.

Мен ҳали ёш журналистларданман. Олий ўқув юртини шу йил битирдим. Лекин республика миқёсидаги ана шундай нуфузли танловларда эътироф этилаётганим бу биринчи навбатда биз ёшларга эътибор, қўллаб-қувватлов туфайли бўлаётганини дилдан ҳис қилмоқдаман. Бу қадри ишончни келажакда меҳнатим, тинимсиз изланишларим билан оқлаша ҳаракат қиламан.

Ислом АСИЛБЕКОВ,  
"Hurriyat" муҳбири,  
"Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танловининг  
Босма ОАВ йўналиши бўйича иккинчи ўрин соҳибига.

УМР ИБРАТИ

# ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ

Ҳар бир миллат тарихида шундай улуғ сиймолар борки, уларнинг фаолияти ва ижоди ўз халқининг дунё ҳамжамиятидан ўрин олишига сабаб бўлади. Улуғ подшоҳ, буюк олим ва адиб Заҳридин Муҳаммад Бобур ана шундай жаҳоний сиймолардан биридир. Заҳридин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганиш — илмий йўналиши ва соҳаси қандай бўлмасин, ҳар бир ўзбек зиёлиси учун фарз саналади. Чунки Бобурнинг подшоҳлик шавкати, бадиий ва илмий асарлари нафақат Шарқ маданияти, балки дунё тамаддунининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Бу ҳолат ўз навбатида Бобур ҳаёти ва ижодий фаолияти билан шугулланган олимларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймаган.

Профессор Ҳамидулла Болтабоев адабиётшунос сифатида миллий адабиётимизнинг ҳар бир жаҳасини синчиқлаб ўрганиши ўз вазифаси деб билган олимдир. Унинг бобуршунослик илмига кириб келиши бевосита Бобур халқаро жамоат фонди фаолияти билан боғлиқ. Бобур фонди ўзининг ўттиз йилдан ортиқ илмий-амалий фаолияти довомида профессор Ҳамидулла Болтабоев билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Бобур халқаро илмий экспедицияси ўз сафарлари довомида кўплаб нодир манбаларни кўлга киритди. Қўлга киритилган манбаларнинг кўпчилиги олим Ҳамидулла Болтабоев томонидан ҳаммаша катта қизиқиш билан ўрганиб чиқилган. 1990 йилларнинг бошида илмий экспедиция Афғонистон ва Эронга сафари натижасида икки муҳим манба кўлга киритди. Улардан бири инглиз олими Уильям Эркиннинг Забиҳуллох Мансурий таржимасидаги форс тилида битилган “Эрон ва Бобур” (Техрон, 2001, 14-нашри) китобидир. Қайриб минг саҳифани ташкил этувчи ушбу манба илмий олим Бобурнинг болалиги ҳақидаги янги маълумотларни ўзбек бобуршунослигига олиб кирди. Асарнинг бир қисми ўзбек тилига таржима қилиниб, олим муаллифлигидаги “Хорижда бобуршунослик” китобида киритилди. Илмий экспедиция Афғонистонда кўлга киритган иккинчи манба Зайниддин Тойибодийнинг “Насабнома”си бўлиб, бу китобда Амир Темурнинг пири, “Темур тузуклари”да 17 марта тилга олинган буюк аллома фаолиятини ўрганиб, “Амир Темурнинг пири” (“Туркистон” газетаси, 1987) мақоласини эълон қилган. Забардаст олим, мана, қайриб 30 йил давомида Заҳридин Муҳаммад Бобур фаолияти ва ижоди билан боғлиқ бир неча манбаларни тадқиқ этиб келмоқдаки, улар Ватанимизда бобуршунослик фани ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Кўнгил кечинмалари

# Шеър, куйдан афзалдир дил сўзлар

Хуллас... биз, аёллар тўю маросимларга борадиган бўлсак, бозордаги пиширилган тугун қилиб олишга ўрганганимиздек; кўйлак этаги ёки шимнинг почасини қайриб тикиш керак бўлса, тилку цехига олиб бориб чок бостириб келадиганлар кун сайин кўпайиб бораётганидек; марказий шаҳарларда ошхонамиздаги қозонда “жиз-биз” қилишдан кўра кўчадан овқат олиб келишга буюртма беришимиз оддий ҳолатга айланиб қолаётганидек; боғча боламизни байрам тадбирига тайёрлашда унинг сочини ўзимиз ювиб, тараб, чиройли ўриб қўйиш ўрнига, тўрт-беш ёшли қизалоғимизни сартарошхонага олиб бориб, ўша ерда жингалагу чамбарак қилдиришимиз урфга кираётганидек; уйимизда соғу дуркун қизларимиз, келинларимиз бўла туриб, хизматчи ёллаб уй-жойларимизни тозалатиб, кир-чирларимизни ювириб олишимиз янгилик бўлмай қолганидек; дил кўмсганда, вақт-вақти билан яқин қадрдонлар билан кўнгил кўнгилдан сув ичмоғини ниҳат қилиб бир-биримизни киди бир пелла чай устида дийдорлашмоқ ўрнига кафелар, ресторонларда ясан-тусанамизни намойиш этиб, кайфиятимизни чоғлаб ўтиришни ёқтирмаймиздек... (санайверсам, асосий гапга ўтишим узоклашиб кетади-ёв!) ҳар куни юзма-юз келишнинг имкони бўлмаган ҚАДРДОНЛАРИМИЗГА, АЙНИҚСА, ЭНГ АЗИЗУ ҒАНИМАТ ЗОТЛАР — ОТА-ОНАЛАРИМИЗГА меҳру муҳаббатимиз, соғинчимиз, тилакларимизни баён этишда ҳам тайёр воситачилар, беминнат ёрдамчилар топиб олаямиз.

Яъни, ота-оналарнинг ёки ён-атрофларидаги одамларнинг телефони орқали ота-она, уларнинг улуғлиги, дуоларининг бебаҳолиги, қалбларининг офтобга сўзларининг маҳамлиги ҳақида сўз устаси ўқиган шеър ёки машурми (ҳаваскорми) санъаткор ижро этган кўнжунки кетма-кет йўллаймиз. Ва бу билан кечаси кундузи бир оғиз самимий сўзимиз, йўқловимиз, юз-қўзимизни бир кўришга интизор бўлган ғаниматларимиз олдидаги вазифамизни бажариб қўйгандек ҳис қиламиз ўзимизни.



ноб, таъсирли, гўзал фикрларни ўзида жамлаган шеър ёки кўшиқ азими ёки дилбандининг соддаю самимий: “Она, онажон, яхшимисиз? Мен сизни яхши кўраман. Сизни соғиндим” дегани афзалми? Менинг жавобим — иккинчи ҳолатни тасаввур этишининг ўзида кўзларимга дувиллаб тўлган ёшларим. Зеро, беихтиёр оққан ёшларда алдов, риё йўқ. ...Бундан ўттиз йиллар олдин Тошкентдан Марғилонга борадиган бўлсам, олдиндан огоҳлантирмай, уйимизга қўтилмаганда кириб боришни одат қилдим. Чунки келишимизни аввалдан билсалар, тўқсонни қоралаб бораётган онажонимнинг тайёргарчилик ташвишига тушиб қолишларини билардим. Кўпинча Фарғонага самолётда учиб, бир соатлардан кейин ҳовлимизга кириб борсам, оназорим ўзларини йўқотиб қўярдилар:

— Вой, бугун қандай яхши кун экан! Қандоғам ажоиб кун экан! Эрталабки поезд ўтиб кетганига неччи

ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ илмий асарлардир. Бундай асарлар орасида У.Эркин, А.Бевеж, Ж.Неру, Л.П.Шарма, С.Берк каби олим ва давлат арбобларининг эътирофлари, мақола ва тадқиқотлари бор. Ҳамидулла Болтабоев шулардан 13 тасини жамлаб, айримларини таржима қилиб, зарур изоҳ ва шарҳлар билан “Хорижда бобуршунослик” китоби (2008) ни яратди. Ушбу китоб ўзбек ва хориқ олимлари томонидан эътироф этилиб, бу ҳақда тақрирлар эълон қилинди. Олим айна йўналишдаги фаолиятини давом эттириб, “Россияда бобуршунослик”, “Англияда бобуршунослик”, “Ҳиндистонда бобуршунослик”, “Эронда бобуршунослик” каби бир қанча мақолалар ёзган. Ушбу мақолалар “Заҳридин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”нинг 1- (2014) ва 2- (2017) нашрларида ўз аксини топган. Шу ўринда қайд этиш лозимки, энциклопедиянинг ушбу нашрларида Ҳамидулла Болтабоевнинг 50 дан ортиқ мақолалари жой олган.

Илмий экспедиция томонидан аниқланган У.Текстоннинг тадқиқотларини ўрганиб чиқиб, инглиз олими томонидан “Бобурнома”нинг амалга оширилган таржимаси илмий жиҳатдан барча инглиз тилидаги таржималардан юқори турини асослади, ушбу таржимани аслият билан солиштириб чиқишни маслаҳат бериб, ушбу мавзунинг ўзининг шогирдларидан бирига топширди. 2023 йилда “Бобурнома”нинг италян тилига таржимаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзбошиси билан Италияда Федерико Пасторе таржимасида нашр этилди. Ушбу нашрга сўзбоши ёзган Франко Кардинининг: “Бобурнома”ни ўқишга жазм қилган европалик китобхон ундан бош кўтаролмай қолиши шубҳасиз. Шу аснода инсонпарвар папа Пий-Энеа Сильвио Пиколоминининг “Изоҳлар”и, император Леопольд Габсбургнинг автобиографик мулоҳазалари беихтиёр хаёлга келади; баъзан ўқувчи ўзини Монтеини, баъзан эса Марко Аоло ёки Буюк Фридрих ёхуд Мелвиллни мутолаа қилаётгандек ҳис этади” каби фикрлари ўзбек бобуршунослари томонидан истифода этилиши зарур эканини таъкидлаб, телевидение ва халқаро анжуманларда чиқиш қилди. Хорижда бобуршунослик соҳасидаги фаолиятининг бошланғич даврида ўзбек олимлари ичида биринчилардан бўлиб, япон олими Эйжи Мано билан учрашди (Киото, 1999), “Бобурнома”нинг япон тилига



таржимасининг профессор Хисо Куматсо кўмағида Бобур фондида олиб келинишига ёрдам берди.

Илм аҳлига маълумки, шу вақтга қадар мамлакатимизда алоҳида сиймога бағишланган энциклопедиялар яратилмаган эди. Бобур халқаро жамоат фондининг ташаббуси билан амалга оширилган Заҳридин Муҳаммад Бобур энциклопедиясининг 1-, 2-нашрлари Ўзбекистонда қомусий китоблар тайёрлаш тажрибасида энчиқчилардан ҳисобланади. Ушбу энциклопедиянинг 1- ва 2-нашрларини амалга оширишда фаол иштирок этган олимга фонд раёсати томонидан ишонч билдирилиб, Бобур энциклопедиясининг 3-нашири учун бош муҳаррир вазифаси топширилган. Айна фаолиятга жиддий киришган олим ўз атрофига 20 га яқин мутахассисларни жамлаган ҳолда “Бобур энциклопедияси 3-нашири ва унинг инглиз ҳамда рус тилларидаги таржимаси” мавзусидаги илмий-амалий грантни кўлга киритишга эришди. Бу йўналишда ишлар давом этмоқда. 3-нашр аввалги нашрларга нисбатан қарийб 200 бет ортгани ҳолда 150 дан ортиқ янги мақолалар билан тўлдирилмоқда. Жаҳон стандартлари асосида шакллантирилиши назарда тутилган ушбу қомусий нашрнинг инглиз ва рус тиллари таржима этилиши ҳам кўзда тутилган.

Андижон шаҳри нафақат Заҳридин Муҳаммад Бобурнинг ватани, шу кунларда жаҳон бобуршунослигининг маркази бўлиб турибди. Фонд томонидан уюштирилган 30 дан ортиқ илмий экспедициялар доирасида минглаб китоблар келтирилган, уларнинг аксарияти ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Бугунги кунда култур ўшини қаршилаётган профессор Ҳамидулла Болтабоевга эса узок умр, илм-фан йўлидаги заҳматли меҳнатларида эса муваффақиятлар доимий ҳамроҳ бўлсин.

**Зокиржон МАШРАБОВ,**  
Бобур халқаро жамоат фонди раиси, профессор,  
Дилрабо ҚОЗОҚБОВА,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, ЎЗМУ доцент.

ХОРИЖ

## АЁЛЛАР УЧУН МАЖБУРИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ

Латвия 2028 йилда аёлларни мажбурий ҳарбий хизматга чақирини бошлаши мумкин. Бу ҳақда Болтиқбўйи республикаси Мудофаа вазири Андрис Спрудс маълум қилган.

Унга кўра, 2028 йилга келиб ҳукумат ҳарбий хизматга чақирилувчилар сонини йилига 4 минг нафарга етказмоқчи. Шу вақтгача ҳукумат бир қатор тайёргарлик ишларини амалга ошириши ва мазкур масала бўйича сиёсий муҳокама бўлиши зарур. Шунда ҳарбий хизматга қирадиган аёллар учун зарур кийим-кечак, жиҳозлар, уларнинг захирасини яратиш керак бўлади. Латвия Миллий Қуролли Кучларига тегишли буйруқлар ҳам аллақачон берилган.

Маълумот учун, аввалроқ Латвия Ташқи ишлар вазири Байба Бразе ҳам аёлларни мажбурий ҳарбий хизматга чақирини бошлаши кўллаб-қувватлаган.



## ПРЕЗИДЕНТГА “COVID-19” ТАШХИСИ ҚЎЙИЛДИ

Молдова Президенти Майя Сандуга коронавирус (COVID-19)нинг янги турдаги ташхиси қўйилди. Бу ҳақда давлат раҳбари жорий йил 26 август кун ижтимоий тармоқлар орқали йўллаган видеоурожагида маълум қилган.

Президент Молдова Мустақиллик кўнига бағишланган тадбирларда қатнаша олмастидан афсусда эканини билдирган.

“Азиз дўстлар, азиз фуқаролар. Афсуски, мен COVID билан касал бўлиб қолдим ва бугун ёки эртага оммавий тадбирларда қатнаша олмаман. Мен ўзимни яхши ҳис қилмаяман ва одатдагидан бироз чарқоч сезишдан бошқа ҳеч қандай аломат йўқ. Хатарларни яратмаслик учун мен кейинги бир неча кун ичида изоляцияда қоламан”, деган Санду.

Давлат раҳбари ватандошларига “COVID йўқолмагани”ни эслатиб, инфекциядан шубҳаланган бўлса, таҳлидан ўтишга ва шифокорга мурожаат қилишга чақирган.



## ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ ҲАМ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Покистон Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модиға 2024 йил 15-16 октябрь кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ҳукумат раҳбарларининг йўналишида иштирок этиш учун расмий таклиф юборди. Бу ҳақда “The Express Tribune” нашири хабар берган.

Қайд этилишича, Покистон ҳукумати саккиз йил ичида биринчи марта Ҳиндистон раҳбарини мамлакатга таклиф қилди. Охириги марта, 2016 йилда Моди Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси саммитида иштирок этиш учун мамлакатга таклиф қилинган эди, бироқ кейинчалик Ҳиндистон бу тадбирларни бойкот қилган.

Нашрнинг ёзишича, Исломобод ва Нью-Дехли ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, Ҳиндистон Бош вазири ШХТнинг бўлажак йиғилишида юзма-юз учрашув ўрнига виртуал иштирок этиш формати билан чекланиши мумкин.



## АТОМ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСINI ҚУРИШ МАСАЛАСИ РЕФЕРЕНДУМГА ҚЎЙИЛИШИ МУМКИН

Қозоғистон ҳукумати мажлисида “Республика референдумини ўтказиш тўғрисида”ги фармон лойиҳаси учун овоз берилди ва у Президентга қўриб чиқиш учун юборилган. Бу ҳақда “Nur.kz” хабар берган.

Мамлакат Энергетика вазири Алмасадм Саткалиевнинг маълум қилишича, у Қозоғистонда атом электр станциясини қуриш бўйича “Республика референдумини ўтказиш тўғрисидаги” ҳукумат қарори лойиҳасини ва Қозоғистон Республикаси Президентининг “Референдум ўтказиш тўғрисида”ги фармони лойиҳасини қўриб чиқишни таклиф қилган.

Бу орқали Қозоғистон фуқаролари барқарор, самарали ва углеродсиз энергия манбаига асосланган мамлакат келажиги тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

Мамлакат Бош вазири Олжас Бектенов Қозоғистон барқарор энергия манбаларидан четда қолмаслигини маълум қилди ва “Референдум ўтказиш тўғрисида”ги фармоннинг юқоридаги лойиҳасини овозга қўйди. Вазирлар ушбу ташаббусни кўллаб овоз берган.



## ПАВЕЛ ДУРОВНИНГ ҲИБС МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Франция суд органлари жорий йил 25 август кун “Telegram” асосчиси Павел Дуровни ҳибсда сақлаш муддатини яна 48 соатга узайтирган. Бу ҳақда терговга яқин манбага таяниб, “AFP” хабар берган.

П.Дуров жорий йилнинг 24 август кун кечқурун Ле Бурже аэропортида кўлга олинган. Журналистларнинг таъкидлашича, сўроқ учун ҳибсга олишнинг дастлабки муддати максимал 96 соатгача давом этиши мумкин. Бу вақт ичида Дуров айбланиши ёки озод этилиши керак.

“Le Provens”нинг ёзишича, Миллий полициянинг Вояга етмаганлар бошқармаси (OFMIN) Дуровни ҳибсга олиш учун ордер берган ва тергов жандармерия миллий кибер бўлими ва фирибарликка қарши кураш миллий бюросига топширилган. ОАВ маълумотларига кўра, ордер гумон қилинаётган жиноятлар, жумладан, фирибарлик, наркотик моддалар савдоси, кибербуллинг, уюшган жиноятчилик, болаларга қарши жиноятлар ва терроризмининг тарғиб қилиш бўйича дастлабки тергов доирасида берилган.



Интернет маълумотлари асосида Ислон ЭТАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

Мухтарома УЛУҒОВА

## Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрами муносабати билан ўтказилган “Энг улуғ, энг азиз” анъанавий кўрик-танлови республика босқичи ғолиблари

### “Интернет журналистикаси” номинацияси бўйича:

**1-ўрин**  
Каримова Мафтуна – “Ishonch.uz” мухбири.  
Интернет тармоғида эълон қилинган долзарб мавзулардаги танқидий-таҳлилий материаллари учун;

**2-ўрин**  
Усмонова Назоқат – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бўлим мудир.  
Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, янгиликлар ва ўзгаришлар ҳақидаги таҳлилий материаллари, хабарлари учун;

**2-ўрин**  
Рустамов Сирожиддин – “Oyina.uz” портали етакчи мутахассиси.  
Ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий мавзулардаги материаллари учун;

**3-ўрин**  
Рамазонова Зиёда – “Gazeta.uz” мухбири.  
Таълим, фан ва маданият соҳаларига оид долзарб танқидий-таҳлилий материаллари учун.

### “Публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун” номинацияси бўйича:

**1-ўрин**  
Бахриев Карим – “Олтин мерос” халқаро жамоат фонди “Meros-news” ахборот хизмати раҳбари.  
“Бетоқат” номли публицистик мақолалар жамланган китоби учун;

**2-ўрин**  
Хожамуратова Пердегул – эркин ижодкор (Қорақалпоғистон Республикаси).  
Қорақалпоқ халқининг миллий қадриятлари, эл ардоғидаги атоқли кишилар ҳаёт йўлига оид қатор публицистик мақола ва очерклар жамланган “Анам тусиме енген кун” китоби учун;

**3-ўрин**  
Ҳайитов Фахриддин – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.  
“Осмон ерга яқин” номли публицистик мақолалар жамланган китоби учун.

### “Ёзувчи ва шоирларнинг энг яхши бадиий асарлари” номинацияси бўйича:

**1-ўрин**  
Мелибоев Аҳмаджон – Ўзбекистон Ёзувчи-

лар уюшмаси аъзоси.

“Юз таҳлил” китоби учун;  
**2-ўрин**

Эрназаров Бекназар – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.  
Роман, қисса ва ҳикоялардан иборат “Танланган асарлар”и ҳамда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг қорақалпоқ тилига таржимаси учун;

**3-ўрин**  
Ибрагимов Гўлзебо – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.  
“Дил мактублари” шеърый тўплами учун.

### “Тасвирий санъат, фото ва дизайн ишлари” номинацияси бўйича:

**1-ўрин**  
Деҳқонов Султонбой – Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фоторассом.  
Янги Ўзбекистон бунёдкорлари акс эттирилган туркум фотосуратлари учун;

**2-ўрин**  
Иргашев Муртаза – Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқитувчиси.  
“Чархпалак ёки умр йўлига томоша” туркумидаги мато мейбўёқ тасвирий санъат асарлари учун;

**3-ўрин**  
Шавкатов Бунёдjon – “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими дизайнери.  
“Мустақиллик – Янги Ўзбекистоннинг мустақкам асосидир” мавзусидаги дизайнерлик ишлари учун.

### “Кино санъати асарлари” номинацияси бўйича:

**1-ўрин**  
Аҳмедов Жаҳонгир – кинорежиссёр.  
“Баҳодир Ялангўш” номли тарихий-биографик тўлқ метражи бадиий фильмидаги режиссёрлик иши учун;

**2-ўрин**  
Ҳамдамов Шохруҳ – киноактёр.  
“Қора тўйуқ схемаси” киносериалидаги солиқчи – бош роль ижроси учун;

**3-ўрин**  
Исломова Моҳичеҳра – киноактриса.  
“Хаус” бадиий фильмидаги она образи – бош роль ижроси учун.

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАРИ УЧРАШУВИ

Марказий Осиё давлатларидан мамлакатимизга таширф буюрган журналистлар делегацияси “Марказий Осиё овози: миллий макондан минтақавий макон сари” мавзусидаги конференцияда иштирок этди.

Конференцияда сўз олган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов кейинги йилларда Марказий Осиё давлатлари ўртасида журналистика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланиб бораётганини қайд этди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Умумхитой журналистлар ассоциацияси, Россия, Корея, Туркия, Ҳиндистон ва Озарбайжон журналистлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйгани, меморандумлар имзолаганини маълум қилди.

Ушбу йўналиш бўйича ишларни жонлантириш, айниқса, кўшни давлатларнинг журналистлар билан ишлайдиган ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш уюшманинг асосий вазифаларидан бири экани таъкидланди. Марказий Осиё медиамасолига мўлжалланган ягона ахборот платформасини ташкил этиш муҳимлиги эътироф этилди. Ушбу ахборот воситасида тақдим этиладиган материалларни бир вақтнинг ўзида Марказий Осиё халқлари тилида эълон қилиш имкониятларини яратиш, Марказий Осиё давлатлари таниқли журналистлари ҳаёти



ва фаолияти, ижодига бағишланган “Марказий Осиё журналистлари” китобини нашр этиш тақлифи ўртага ташланди. Тадбир доирасида қардош мамлакатлардан иштирок этган ОАВ вакиллари юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, медиа соҳасининг нуфузи юқори даражада эканини эътироф этди.

### “ОВОЗИ ТОЖИК” ГАЗЕТАСИ — 100 ЁШДА!

Мамлакатимиздаги энг кекса нашрлардан бири – “Овози тожик” газетаси таъсис этилганига 100 йил тўлди. Бундан ролла-роса бир аср муқаддам – 1924 йил 25 август кун ушбу газетанинг илк сони дунё юзини кўрган эди.

Дастлаб бу нашр “Овози тожик камбағал” деб аталган ва Самарқанд шаҳрида чоп этилган. Сўнг уша йилнинг ўзида “Овози тожик” номини олган. Газетанинг биринчи муҳаррири самарқандлик машҳур тожик шоири Абдулқоюм Қурбий бўлган.

Мазкур нашрнинг таъсис этилишида тожик адабиёти ва маданиятининг йирик вакили Садриддин Айний ва унинг издошларининг улкан ҳиссаси бор. Газетанинг илк сонидан эълон қилинган мақоласида Садриддин Айний, жумладан, шундай ёзган: “Ҳар бир халқнинг, миллатнинг газетаси унинг тилидир. Газетаси бўлмаган ҳар қандай халқнинг тили йўқдек. Яъни газетасиз халқ тилсиз одамга ўхшайди... Умид қиламизки, тожик халқи, айниқса, унинг камбағал халқи ўз газетаси атрофига бирлашади”.

Газета тожик халқининг озод минбари сифатида шаклланишида Садриддин Айний билан бирга маърифатпарварлар С.Ализода, М.Ҳўжандий (иккинчи муҳаррир), М.Ҳасаний, Мун Ҳўжа, Ш.Шотемур, Р.Ҳошимларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Раҳим Ҳошим 1960-йилларда ёзган хотираларида “Мен А.Қурбий ва С.Ализоданнинг газетани савдогарлардан қозғ қарзга олиб чиқарган кунлари бўлганини ҳам биламан”, деб ёзган.

Ушбу газета 1931-1940 йилларда “Ҳақиқати Ўзбекистон”,



1950 йил 5 мартдан “Ўзбекистон сурх”, 1964 йилдан эътиборан яна “Ҳақиқати Ўзбекистон” номлари билан нашр этилган. 1991 йилда жамоатчиликнинг истак-хоҳишларига кўра газетани унинг тарихий номи – “Овози тожик” қайтарилди.

Бугунги кунда мазкур нашр Ўзбекистонда тожик забон аҳолининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга булган ишончини янада ошириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, тегишли қонунлар ижросини таъминлашга йўналтириш, маданий-маърифий ва бошқа зарур ахборотлар билан таъминлашда муносиб ҳисса кўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

## ҚУТЛОВ



# Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси жамоаси

халқимизни ва, шу жумладан, юртимиздаги барча ОАВ ходимларини, устоз журналистларни

**Энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 33 йиллиги билан табриклайди.**

Барча ватандошларимизга бахт-саодат, узоқ умр, ҳаётларида омад ва барака тилайди.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, бетакрор ўрнини ҳамда ватандошларимизнинг орзу-умидларини жамиятдаги жамики ютуқ ва муаммоларни бор бўй-басти билан ёритишда, қаламга олишда фидойи ҳамкасбларимизга ижодий баркамоллик тилайди.

**Истиклол айёми барчамизга муборак бўлсин!**



33  
yil



# БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

барча юрдошларимизни  
Ўзбекистон Республикаси

**Мустақиллигининг 33 йиллиги билан**

самимий муборакбод этади!

Жонажон халқимизга тинчлик-  
омонлик, бахту саодат, эл-юртимизга  
файзу барака тилайди.


Ҳар биримиз учун қудрат манбаи,  
саодат маскани бўлган муқаддас  
Ўзбекистонимиз осмони доимо  
мусаффо бўлсин!

Барчамизга, келажагимиз эгалари  
бўлган азиз ўғил-қизларимизга  
юртимизнинг камолини, унда яшовчи  
кўп миллатли бебаҳо халқнинг  
мамнуниятини, фарзандларимиз ва  
набираларимизнинг бахту иқболи,  
бугуни ва ёрқин эртасини кўриш  
насиб этсин!

Мустақиллик шукуҳи барчамизга  
муборак бўлсин!



**33**  
**YIL**



# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ



**Мустақиллик байрами билан барча  
юртдошларимизни самимий қутлайди.  
Она Ватанимиз истиқлоли мангу бўлсин!  
Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган  
тарихий ўзгаришлар, Учинчи Ренессанс  
пойдеворини қуришдек эзгу амаллар асносида  
олий таълим тизимида ҳам жуда катта хайрли  
ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Ишончимиз  
комилки, ёшларимизга кўрсатилаётган эътибор  
ва ғамхўрликлар, албатта, ўз натижасини беради.  
Энг улуғ, энг азиз айём — хуррият байрами  
барчамизга қутлуғ бўлсин!**

ШЕЪРИЯТ

Сайёра САМАНДАР

# Сен ўзингни уйғотгил, уйғот!

## 33 йил

Жам бўлиб агар мушт тугилгай,  
Юракда жасорат тугилгай,  
Бедорлик олий бахт туюлгай,  
Бир бўлсак, ягона халқдирмиз,  
Бирлашсак, Ватанмиз, юртодошим!

Бахт, омад осмондан тушмагай,  
Фоилни ҳеч толе кучмагай,  
Гар жаммиз, барака учмагай,  
Бир бўлсак, ягона халқдирмиз,  
Бирлашсак, Ватанмиз, юртодошим!

Қадим бу заминнинг бағри қон,  
Қонга-қон талашди, жонга-жон,  
Она юрт — юракда мангу шон,  
Бир бўлсак, ягона халқдирмиз,  
Бирлашсак, Ватанмиз, юртодошим!

Кубронинг додидир бу Ватан,  
Бобурнинг оридир бу Ватан,  
Ҳар кимнинг зоридир бу Ватан,  
Бир бўлсак, ягона халқдирмиз,  
Бирлашсак, Ватанмиз, юртодошим!

Ватансиз юрт бўлмас, эл бўлмас,  
Аё дўст, шарафсиз эр бўлмас,  
Эгасиз бир қарич ер бўлмас,  
Бир бўлсак, ягона халқдирмиз,  
Бирлашсак, Ватанмиз, юртодошим!

Осонмас элни эл қилмоқ ҳам,  
Жонни минг бўлакка бўлмоқ ҳам,  
Ҳар кимнинг дилини билмоқ ҳам,  
Бир бўлсак, ягона халқдирмиз,  
Бирлашсак, Ватанмиз, юртодошим!

Юксалгай инсоннинг гар қадри,  
Юракдан аригай гар дарди,  
Демакки, миллатнинг бор марди,  
Бир бўлсак, ягона халқдирмиз,  
Бирлашсак, Ватанмиз, юртодошим!

Ўзбексиз жаҳонмас бу жаҳон,  
Тўлиқмас ҳайҳотдай қаҳшон,  
Сен-у мен, барчамиз биз, ишон,  
Бир бўлсак, ягона халқдирмиз,  
Бирлашсак, Ватанмиз, юртодошим!

Бирлашган ўзгани ўздирмас,  
Ўзини пардайн тўздирмас,  
Ўзгани шунчаки сўздирмас:  
Бир бўлсак, ягона халқдирмиз!  
Бирлашсак, Ватанмиз, юртодошим!

То баҳор етгунча сенга  
Мен баҳор ўлдим, элим,  
Янги кун келгунча сенга,  
Хуш наҳор ўлдим, элим.

Ё гиёҳ-у майса ўлдим,  
Ҳол сўраб, бердим кўнгул,

Сен агар ёр истадингки,  
Мен шу ёр ўлдим, элим.

Қор-қировда юзларингга  
Юз қўйиб, ўлдим мадад,  
На фасл очса юзини,  
Бир хумор ўлдим, элим.

Сен сўра ҳолимни энди,  
Энди сен кўнглимни ол,  
Ҳам куз-у ҳам қиш ичинда  
Мисли хор ўлдим, элим.

Барг ёзиб, боғу чаманлар  
Барқ уриб очгай чирой,  
Токи япроқ ёзгунча  
Ғамга дор ўлдим, элим.

Мен сенинг қошингда ўлдим,  
Энди сен қошимда қол,  
Хуш ифоринг бўйларидан  
Бахтиёр ўлдим, элим.

Олам ичра келди кўклам,  
Қолмади ҳеч иш манга,  
Аҳли ошиқ ёна кетдим,  
Ишқи зор ўлдим, элим.

То баҳор етгунча сенга,  
Мен баҳор ўлдим, элим...

Майса ўзин уйғотиб бўлди,  
Новда кўзин уйғотиб бўлди,  
Тупроқ сўзин уйғотиб бўлди,  
Сен ўзингни уйғотгил, уйғот!

Адирларга жон кирди, қара,  
Тоғ юзига қон кирди, қара,  
Дала-даштга шон кирди, қара,  
Сен ўзингни уйғотгил, уйғот!

Оёғиндан ғафлат олмасдан,  
Сўнг минг битта кўйга солмасдан,  
Бўзингда сўз ухлаб қолмасдан,  
Сен ўзингни уйғотгил, уйғот!

Саболарга юзларингни тут,  
Тўрт минг тўрт юз сўнгагингни турт,  
Уйғоқларга муҳтождир бу юрт,  
Сен ўзингни уйғотгил, уйғот!

Томирларинг то қотмай туриб,  
Умринг уфқи то ботмай туриб,  
Сени ўзга уйғотмай туриб,  
Сен ўзингни уйғотгил, уйғот!

## ЎЗБЕГ-У ҚОЗОГИМ, ҚОН-ҚАРДОШ ЭЛИМ!

Буюк тамаддунни ёритган замин,  
Не-не даҳоларни яратган замин,

Олам узра урфон таратган замин,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Бир азим дарёдан сув ичган бу эл,  
Бошига не келса, бир кечган бу эл,  
Ҳар мушкул тугунни бир ечган бу эл,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Ҳикмат уммонида зиё сочган дур,  
Аҳмад Яссавийдан ёришган шуур,  
Озод бўлгай инсон, миллат бўлса хур,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Навоий назмида юз очди дунё,  
Абайнинг дилида сўз очди дунё,  
Илм-у маърифатдан кўз очди дунё,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Маърифат чироғин ёқди жадидлар,  
Армон уммонида оқди жадидлар,  
Чўлпон, Фитрат, Чўқай, Мағжон... шаҳидлар,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Элнинг дардин айтди ул Базар бахши,  
Шоберди бахши-ю Қаландар бахши,  
Оқин-у бахшиси миллатнинг нақши,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Туроним! Куброси оҳ урган тупроқ,  
Мангубердилари от сурган тупроқ,  
Сири ботирлари жон берган тупроқ,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Хивам! Маъмур нури таралган макон,  
Кўхна минорлардан янграб турган шон,  
Мангу огоҳлиқдан бонг урган ошён,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Шерғоziхон мадрасаси сочгай нур,  
Пирейвалий мақбараси сочгай нур,  
Баланд толе, мартабаси сочгай нур,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Бешигида авлиёлар ётган юрт,  
Боқиргоний ҳикматларин айтган юрт,  
Бекет ота қадамлари етган юрт,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Бўғзим ичра жамол очган сўз элим,  
Жоним ичра жоним менинг, ўз элим,  
Жигарим, бовурим, қаро кўз элим,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Битта эл, битта дил, танти ва жўмард,  
Инсон қадри учун майдон узра мард —  
Шавкатли сарбон бу, бу — Қосим-Жўмард,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

Жалолитдин номус, орида Ватан,  
Комилжон, Ортининг торида Ватан,  
Эркин Самандарнинг зорида Ватан,  
Сайёранинг жисми, борида Ватан,  
Ўзбег-у қозогим, қон-қардош элим!

## Балки бахтиёримиз, хабаримиз йўқ. (Рамиз Равшан)

Гоҳо япроқ мисол титраган жонмиз,  
Гоҳо лашкар каби жамланган шонмиз,  
Лаҳза ичра шод-у ғамгин бир онмиз,  
Балки ишққа ёрмиз, хабаримиз йўқ.

Баъзан нам босади кўзларимизни,  
Баъзан ғам босади сўзларимизни,  
Қўярга жой топмай ўзларимизни,  
Балки дилга зормиз, хабаримиз йўқ.

Гулга дўнар бирда қайгуларимиз,  
Келмай қўяр бирда уйқуларимиз,  
Мудраб қолар ёхуд туйғуларимиз,  
Балки йўқимиз, бормиз, хабаримиз йўқ.

Дилим, узоқ эмас балки осмон ҳам,  
Ер ҳам қаттиқ эмас ҳали чунон ҳам,  
Балки йўқдир асли на армон, на ғам,  
Балки бахтиёримиз, хабаримиз йўқ!

Сендан нолимадим бирон марта ҳам,  
Ғолиб туриб бердим синов келган дам,  
Тугар бўлса бир кун умр деган шам —  
Мени жаннатларга элтиб қўй, дилим.

Ёзсам, ёздим фақат сенда борини,  
Лола мисол ёйдим қалам зорини,  
Олам кўрди бешак шоир орини —  
Мени жаннатларга элтиб қўй, дилим.

Кўксимга боламдай босдим сўзимни,  
Отамнинг юзига босдим юзимни,  
Алдамай яшадим ўзим ўзимни —  
Мени жаннатларга элтиб қўй, дилим.

Билмадим ёлғондан асло қулмоқни,  
Кимсанинг қалбига найза урмоқни,  
Эпладим оёқда тикка турмоқни —  
Мени жаннатларга элтиб қўй, дилим.

Гулларнинг баргига ёздим исмингни,  
Тонги шабнамларга чайдим жисмингни,  
Кўзим қаросига чиздим расмингни —  
Мени жаннатларга элтиб қўй, дилим.

Дунёга етмади мендан зарра гард,  
Етмади на озор, на ситам, на дард,  
(Агар арта олсанг, кўз ёшимни арт...) —  
Мени жаннатларга элтиб қўй, дилим.

Самони титратиб урған нолам бор,  
Бўғзимда гуллаган кўхна олам бор,  
Мендай бир шоирни тўққан Онам бор!  
Мени жаннатларга элтиб қўй, дилим!



**Муаллиф ҳақида:**  
Сайёра САМАНДАР — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди, доцент, “Шухрат” медали соҳибаси.  
Муаллифнинг “Сизга айтолмаган сўзларим”, “Кўнглим”, “...Ва яна баҳор”, “Озодликдек бахт йўқдир”, “Фақат ишқ...”, “Менинг ҳақиқатларим” номли тўпламлари чоп этилган.

## ЖАДИДЛАР КЕЛЯПТИ, ЖАДИДЛАР!

Илм уммонида дур, садафларим,  
Миллат оидинлари, шаън-шарафларим,  
Сиздан садо берар тўрт тарафларим:  
Жадидлар келяпти, жадидлар!

Дилларда офтобдай порлаб отгали,  
Дунёга муносиб сўзни айтгали,  
Ўзликка! Ўзликка! Ўзга қайтгали,  
Жадидлар келяпти, жадидлар!

Айтгани бекор деб уйламасинлар,  
Ўзга деворига бўйламасинлар,  
Ғанимлар сафсата сўйламасинлар,  
Жадидлар келяпти, жадидлар!

Ўзбекининг маърифат байроғи бордир,  
Муқаддас тупроғи юракда ордир,  
Шубҳа қилганларнинг охири хордир,  
Жадидлар келяпти, жадидлар!

Уйғониш фасли бу! Ғурурга тўлиб,  
Чўлпон, Носир бўлиб, сурурга тўлиб,  
Янги Ўзбекистон жадиди бўлиб,  
Жадидлар келяпти, жадидлар!

Шуур уйғонмоқда, бунга шоҳидман,  
Бўлсам, маърифатга қурбон, шаҳидман!  
Бобом жадид эди, мен ҳам жадидман!  
Жадидлар келяпти, жадидлар!

ҚУТЛОВ



# САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ



азиз ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрами билан чин  
қалбдан самимий табриклайди.

Инсон қадрини улуғлаган қутлуғ шодиёнанинг  
“Бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватанмиз!”  
деган эзгу ғояси остида ўтказилаётганлиги бугуни  
кечасидан гўзал юртимизда яшовчи ҳар бир  
ватандошимизга чексиз қувонч ва ғурур бағишлайди.

Ҳаётингизнинг ҳар бир янги куни хурсандчилик, севинч ва  
янги ютуқлар ила тўқис бўлсин!

Жонажон Ватанимиздаги ҳар бир хонадондан  
тинчлик-осойишталик,  
файзу барака сира аримасин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, жонажон

Ўзбекистонимизнинг ҳуррияти, эрки абадий бўлсин!

# РЕГИСТОНДА ЯНГРАГАН "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ"

1-6

Таъкидланганидек, бугунги нотинч ва тахликали замонда азалий қадриятларни, одамийлик қиёфасини сақлаб қолиш тобора мушкул бўлиб бормоқда. Мана шундай мураккаб вазиятда илоҳий сарчашмалардан қувват олиб, вақт ва макон чегаралари оша гуманистик идеалларни тараннум этадиган асл санъат, мусиқа ва адабиёт халоскор куч бўлиб майдонга чиқиши зарур.

Шу нуқтаи назардан, "Шарқ тароналари"нинг дунёвий шуҳрат топиши ва эътироф этилиши бежиз эмас. Бинобарин, юртимизда маданият, санъат ривожини бир неча минг йиллик

тарихга бориб тақалади ва бугунги мусиқа анжуманлари, фестивал ва тадбирлар ана шу азалий томирлардан озикланади, куч олади.

...Халқаро мусиқа фестивалнинг очилишига бағишланган театрлаштирилган концерт дастури бошланади. Майдон узра сеҳрли куй таралади. Оҳанг секин-аста бутун вужудингизга кириб боради. Бу оройишнинг кийёси йўқ. Мусиқа измидасиз. Сеҳрли оҳанг таъсирида илиқ хотиралар ёдга тушади, баъзан умрингиз бини бўлиб бормаган масканларни тасаввурингизда гавдалантиради. Бу куй сеҳри, оҳанг завқи, мусиқа қудратидир.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали мамлакатимизда маданият ва санъатга қаратилган алоҳида эътиборнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган юксак намунаси.

Фестивалнинг нуфузи ортиб, иштирокчилари географияси тобора кенгайиб бормоқда. Қўллаб-мамола қилувчи халқаро ташкилотлар, машҳур санъат намояндалари унда қатнашишни ўзлари учун шараф, деб билмади. 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманга 80 га яқин давлат санъаткорлари ташриф буюрди. Фестиваль ЮНЕСКО шафелигидега ўтказилаётгани ҳам анжуманнинг юксак мақом ва нуфузини кўрсатади.

Тўғри, ер юзидега тан олинган ва кенг эътироф этилган ўнлаб халқаро мусиқа фестиваллари бор. Аммо улар орасида "Шарқ тароналари" алоҳида мавқега эга. Чунки бошқа халқаро миқёсдаги мусиқа фестиваллари санъатнинг муайян турига ихтисослашган. Яъни, айримларида фақат қўшиқ куйланса, бошқасида мусиқа ижро этилади ёки рақс тушилади. "Шарқ тароналари" эса санъатнинг барча кўринишларини ўзидега мужассам этган. Буни бошқа халқаро мусиқа фестиваллари қатнашчилари ҳам кенг эътироф этмоқда. Ушбу фестивалда дунёнинг барча қитъаларидан санъаткор-



лар қатнашаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

27-29 август кунлари халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларининг кўрик-танловда чиқишлари намойиш этилади. Уларнинг дастурлари халқаро хайъат томонидан профессионал (классик) даражадаги халқ мусиқаси ва қўшиқ йўналиши ҳамда замонавий мусиқа ва қўшиқ йўналиши бўйича баҳоланади. 30 август кунини фестивал галиби ва совриндорларини тақдирлаш маросими ва улар иштирокида концерт дастури намойиш этилади.

Анъанага қўра, фестивал доирасида "Шарқ халқлари мусиқа маданияти: глобаллашув жараёнларида ижодий уйғунлашув тамойиллари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади.

Унда мусиқашунос олимлар, илмий-тадқиқот марказлари олимлари, мусиқа йўналишидаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, фестивал иштирокчилари ва меҳмонлар Самарқанднинг ноёб тарихий обидаларини зиёрат қилиш, она диёримизда етиштирилган турфа ноз-неъматлар билан тўла бозорларимизни кўриш, сўнгги йилларда халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилаётган улкан ютуқ ва марралар, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз.

## СУРУП



## ТИНЧЛИК ТАРОНАСИ

**Дейдилар, куй билан яратган Эгам, Жон ато этганмиш Одам топиға. Шундан юракларга кирса кувонч-ғам, Қўшиқ айланади дил бисотиға. Шундан ёршади кўнгил хонаси, Шарқ таронаси бу, Шарқ таронаси!**

**Дерлар, осудалик иқболға мезон, Тотувликдан яшнар Ватаннинг боғи. Қўшиққа айланар замин у осмон, Авлодлар орузи, аждодлар оҳи. Тинчликдир санъатнинг асл онаси, Шарқ таронаси бу, Шарқ таронаси!**

**Дерлар, тил ё миллат танламас қўшиқ, Дилдаги туйғулар оҳангларда жо. Фақат Мустақиллик, Истиқлол боис, Ўзбек қўшиғини тинглади дунё. "Муножот", "Лазги"нинг "ёна-ёна"си, Шарқ таронаси бу, Шарқ таронаси!**

**Дерлар, Самарқанддир дунё сайқали, Бунда буюқларнинг руҳи мададкор. Бундаги ҳар бир ғишт санъат хайқали, Ҳар битта қошда сонсиз қўшиқ бор. Маърифат бешиги, Шарқ дарвозаси, Шарқ таронаси бу, Шарқ таронаси!**

**Ҳа, катта тўй қилар бу кўҳна замин, Қанча элатларга шу ер ошиён. Қўшиқ бирлаштирар бугун дунёни, Яна Самарқандда жамланар жаҳон. Етти иқлимда ҳам бор овозаси, Шарқ таронаси бу, Шарқ таронаси!**

Ёр МУҲАММАД.

## ҲАНГОМАЛАР

### Шоҳидамас, баргида

— Адаси, сиз яхши кишисиз-а?! — деди хотиним эрканланган оҳангда.

— Йўқ! — дедим атайлаб жаҳл билан.

— Яхши киши бўлақолинг...

— Яхши киши бўлишимни хоҳлайсанми?

— Ҳа...

— Унда мендан янги қўйлақ учун пул сўрама.

— Вой, шунақами? — деди у бир зумгина бўшашиб. Сўнг дарҳол қўшиб қўйди. — Уғлингиз учун-чи? Бу савол жуда қалтис эди.

— Майли, — дедим бироз ўйланиб. — Уғлим учун бўлса, сўрайоқ, фақат ойнинг ўртасида, пешиндан кейин сўра. Эркак киши эрталаб пул бермайди. Пулнинг баракаси учиб кетади. Биласан-а?

— Дадаси, мени ҳеч нарса билмайди, деб ўйлайсизми? — деди хотиним нима учундир хурсанд бўлиб.

Орадан кунлар ўтди. Шанба кун пешиндан кейин хотиним гапимни эсимга солди.

— Бугун ўғлингиз учун пул берарсиз-а, — деди у кулимсираб.

— Албатта, айтилган сўз — отилган ўқ. Уғлим учун бўлса майли. Неча пул берай?

— Уч юз минг сўм.

— Мана, ол, олавер. Уғлимга бўлса тўрт юз минг берганим бўлсин!

Хотиним пулни санаб олган заҳоти кўзларидега қувонч порлади. Унинг шодлигидан ҳайрон бўлганча сўради.

— Айтгандай, ўғлинг шунча пулни нима қиларкан?

— Нима қиларди? Онасига қўйлақ олиб беради, — деди у.

### Биринчи ҳикоя

Кечки пайт ишдан келсам, хотиним ёзаётган ҳикоям қўлёзмасини қўлимга тутқазди-да, сўради:

— Нима бу?

— Нима бўларди, ёзаётган ҳикоям...

— Нега энди 18 ёшга тўлмаганлар ва хотинлар ўқимасин, деб сарлавҳа қўйгансиз? Уғлингиз ўқиб қолса нима бўлади?

— Ҳеч нарса!..

— Ҳеч нарса деганингиз нимаси? Мен уни папа-лаб катта қилаётган бўлсам. Сизнинг ишқий саргу-зашти ҳикоянгиз бола тарбиясига ёмон таъсир этмайдими? Балким, ... жойлари ҳам бордир.

— Бор. Бор! — дедим жаҳл билан. — Сабаби воқеа тун ярмида содир бўлади.

— Ана айтмадимми! — дея ғазаб билан гапида давом этди у. — Бундай ҳикояларингизни уйда қолдирманг. Ишонгангизга олиб кетинг. Билдингизми?

— Билдим! Ўзи ўқиб кўрдимми?

— Ўқиб зарил кептимми? Айтдингиз-ку мазмунини.

— Қани, бир ўқиб кўр-чи.

— Ўқимамайман!

— Ундай бўлса ўзимга бер. Ўқиб бераман...

Хотиним истар-истамай қўлёзмани қўлимга тутқазди-да:

— Уйда ўқиб берақолинг. Уғлим эшитиб қолса

бўлмайди, — деди жаҳлидан бироз тушиб.

— Майли, юр...

Хотиним ортимдан уйга кирди.

— Эшит.

У ҳикояни эшитиш мақсадида стулга яхшилаб жойлашиб олди.

Тун. Ой истар-истамай булутлар орасидан ўзини кўрсата бошлади. Кўча ой ёғдусидан ёришиб кетди. Севган ёри билан қўлтиқлашиб кетаётган йигит қизнинг қулогига нимадир деб шивирлади. Қизнинг ёноқлари лоладай қизариб кетди. Шу пайт...

— Тўхтанг, — деди хотиним. — Мен эшикни қулф-

— Ҳеч нарса деганингиз нимаси? Мен уни папа-лаб катта қилаётган бўлсам.

— Ўзи ҳикояни ўқиб кўрдимми?

— Ўқиб кўриб зарил кептимми? Шундоқ ҳам билман, — деди у жаҳл билан. — Қаёқдаги ошқ-маъ-шуклар ҳақида ёзган бўлсангиз керак-да.

— Ундаймас, хотин. Бу реклама.

— Реклама?

— Ҳа, реклама! Ҳозир ҳамма нарса рекламага муҳтож бўлиб қолди. Анув кун магазиндан олган нарсангни телевизорда мақтайти, деб олгандинг, эсингдами?

## КОМПЕНСАЦИЯ

Телевизорда уруш ҳақидаги ҳужжатли фильм кўриб ўтиргандик. Хотиним томдан тараша тушгандек савол бериб қолди.

— Дадаси, дикторнинг бир гапини яхши билолмадим. Компенсация тўлайди деганини қандай тушуниш керак?

— Етказилган зарар ёки қилинган ҳаражатларни қоплашга сарфланадиган тоvon пули. Тушундингми? — дедим билагонлигимни намойиш қилиб.



орасида компенсация пули йўқ!.. Тушундингизми? — Нима?

## ТОШ ОТА

Илк баҳорнинг шанба оқшомларининг бирида дарахларни буташ билан овора эдим. Анчагина олифтанамо кийиниб олган ўғлим ёнимга келди-да:

— Ҳорманг, дада. Қарашиб юборайми? — деди.

— Боядан бери қаёқдайдинг? Иш тугаганда келганингни қара.

Уғлим гапимга асло ҳафа бўлмади жилмайиб туриши мени жаҳлдан туширди.

— Бирон гапинг борми?

— Дада, фақат тўғриси айтинг. Ота ўғил бўлган яхшимни ёки она ўғил?

Мен унга бошқатдан разм солдим. Бу йил учинчи курсда ўқиётган болам камдан-кам савол беради. Шу пайт ичкари унинг эшиги очилиб, хотиним биз томон келаётганини кўрдим-да, атайлаб баянда овозда:

— Она ўғил бўлиб нима қаромат топардинг? Албатта, ота ўғил бўлганинг яхши-де, — дедим ўз-гача витор билан ва бу гапим хотинимга қандай таъсир қилдикан, дегандек унга зимдан қараб қўйдим.

— Раҳмат, дада. Сизнинг айтганингизни қиламан. Ота ўғил бўламан! — деди ўғлим йўғон овозда.

— Баракалла, ўғлим! Ота ўғил бўлсанг ҳар доим олқиш оласан. Етмаганига пул ҳам оласан. Нима учундир ийиб кетганимдан чўнтагимдан ўғлимга бир талай пул ҳам бериб юбордим.

Бу қилиғимни кузатиб турган хотиним ўзини қулгидан тўхтатолмади.

— Сен нега қулясан? — дедим ҳайрон бўлганча унга қараб.

— Ота ўғил сизни яхшигина пулга туширди-я!

— Сенга нима?!

— Мендан пул сўровди, бермовдим. Бугун ҳам чойхонаси бор экан. Лекин роса қойиллатди. Ҳам чойхонасига пул олди, ҳам рухсат. Қойилман, она-сининг ўғли! Гоҳида мана шундай "ота ўғил" бўлиб ҳам туравер.

Хотиним жилмайиб турган ўғлимнинг елкасига уриб қўйди:

— Баракалла, ота ўғил! Тош отангдан пулни бошлаб олдинг, энди бемалол чойхонага бориб келавер. Фақат жа кеча қолмагин, хўпми, ўзимнинг ўғилгинам!

## Баҳром АКБАРОВ

# МЕҲРИБОНЛИК

лаб қўй.

Ҳайрон бўлганча унга қарадим. Хотиним айтганини қилди-да, диққат билан ҳикоя давомини эшитиб бошлади.

...Қутилмаган ҳодиса рўй берди. Йигит асфалт кўчада ётган катта харсанг тошга қоқилиб кетди ва ерга юзтубан йиқилишига бир баҳа қолди. Қиз йигитни маҳкам ушлаб қолмаганда, балким йиқиларди. Йигит аста тошга қаради, уни йўл ўртасидан олиб ташламоқчи бўлди. Тош ёнига келди-да, хаёл суриб қолди. "Қўтара оламанми?" Оний лаҳзада ўтган фикр ёнига қизнинг айтган гапи қўшилди: "Сизга нима, ётаверсин!" Йигит иккинчи фикрга қўшилди... ва севган қизи билан қўл ушлашганча йўлда давом этди. Йигит эндигина 17 ёшга тўлган бўлиб, унинг фикрлаши шунга яраша эди...

Ҳикояни ўқиб бўлиб хотинимга қарадим. Унинг боғи жаҳлидан асар ҳам йўқ эди.

— Шуми? — дея ҳайрон бўлиб сўради у.

— Ҳа, — дедим қулгидан ўзимни зўрга тўхтатиб. — Ҳеч нарса тушундингми?

— Йўқ, — деди у. — Бунақа ҳикояни мен ҳам ёза оламан.

— Ана шунинг учун ҳам ҳикояга шундай сарлавҳа қўйганман...

— А?..

### Иккинчи ҳикоя

Кечки пайт ишдан келсам, хотиним ёзаётган ҳикоям қўлёзмасини қўлимга тутқазди-да, сўради:

— Нима бу?

— Нима бўларди, ёзаётган ҳикоям...

— Нега энди яна "18 ёшга тўлмаганлар ва хотинлар ўқимасин" деб қўйгансиз? Уғлингиз ўқиб қолса нима бўлади?

— Ҳеч нарса!..

— Ҳа, эсимга тушди. Расво нарса экан. Етмаганига муддати ўтган, — деди у сал бўшашиб.

— Ана, кўрдимми? Ундан кўра, кел, ҳикоядан сенга ҳам ўқиб берай. Ўзинг хулоса чиқариб оласан.

Уйга кирдик. Хотин ҳикояни эшитиш учун стулга яхшилаб ўрнашиб олди.

— Эшит, — дедим унга қараб.

Тун. Ой истар-истамай булутлар орасидан ўзини кўрсата бошлади. Зим-зиё кўча ой ёғдусидан ёришиб кетди. Севган ёри билан қўлтиқлашиб кетаётган йигит қизнинг қулогига нимадир деб шивирлади. Шу пайт...

...Қутилмаган ҳодиса рўй берди. Йигит асфалт кўчада ётган катта харсанг тошга қоқилиб кетди ва ерга юзтубан йиқилишига бир баҳа қолди. Йигит тошга қаради-да, уни йўл ўртасидан олиб ташламоқчи бўлди. Тош ёнига келди-да, хаёл суриб қолди. "Қўтара оламанми?" Оний лаҳзада ўтган фикр ёнига бошқаси қўшилди: "Сенга нима, ётаверсин!" Йигит иккинчи фикрга қўшилди... ва севган қизи билан қўл ушлашганча йўлда давом этди. Йигит эндигина 17 ёшга тўлган бўлиб, унинг фикрлаши ва кучи шунга яраша эди...

Ҳикояни ўқиб бўлиб хотинимга қарадим. Унинг боғи жаҳлидан асар ҳам йўқ эди.

— Шуми? — дея ҳайрон бўлиб сўради у.

— Ҳа, — дедим қулгидан ўзимни зўрга тўхтатиб. — Ҳеч нарса тушундингми?

— Йўқ, — деди у. — Бунақа ҳикояни мен ҳам ёза оламан.

— Кўрдимми рекламанинг кучини? Ана шунинг учун ҳикояга шундай сарлавҳа қўйганман. Алмойи-жалмойи ҳикояни сен ҳам қизиқиб эшитдинг. Яшасин реклама! Билдингми?

— Э...

